

Ishonch

2019 йил 30 май • пайшанба • № 67 (4196)

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси наشري • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ГЕРМАНИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер мамлакатимизга расмий таширфи доирасида 29 май кунни Хоразм вилоятига келди.

Олий мартабали меҳмон рафиқаси ҳамроҳлигида Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда таълим тизимига қаратилаётган эътибор, ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида замонавий билим ва касб-хунар эгаллаши, жисмонан ва маънан етук бўлиб улғайиши, уларнинг қобилият ва истеъдодини юзага чиқариш, қалбида Ватанга садоқат ва фидойилик туйғусини юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Ёшлари фаол мамлакатнинг келажиги буюк бўлади, — деди Франк-Вальтер Штайнмайер суҳбат чоғида. — Қаршимдаги ёшларнинг кўзидаги шижоатни кўриб, Ўзбекистон ҳақида ҳам ишонч билан шу фикрни айта оламан. Бу ёшлар билан нафақат халқингиз, балки биз ҳам фахрлансак арзийди — улар соф немис тилида гапиряпти. Ўз фикрини равои фода қилляпти.

Куннинг иккинчи ярмида ГФР Президенти Хива шаҳрининг тарихий обидаларини томоша қилди. Қадимий «Ичан қалъа» кўп асрлик тарихга эга. Бу ердаги меъморликнинг ноёб анъаналарини ўзида мужассам этган кўплаб обидалар шаҳарнинг асрлар давомида ривожланиш тарихидан ҳикоя қилади.

Меҳмонлар Кўхна арк, Паҳлавон Маҳмуд мажмуалари, Қози Калон мадрасаси, Калта минор ва бошқа обидалар билан танишди.

Хива асрлар оша нафақат савдо-сотик, балки маданиятлар ва динлараро мулоқот маркази ҳам бўлиб келган. Хусусан, XIX асрда тақдир тақозоси билан бу ерга келиб қолган немис меннонитлари ҳам Хоразм тарихидан ўрин олган. Улар яшаган ҳудудлар ўзига хос хунармандлик ва савдо маркази сифатида раванк топган.

Меннонитлар тарихи билан бугун «Ичан қалъа» ҳудудига ташкил этилган «Оқмасжидлик меннонитлар» музейида танишиш мумкин.

Ўзбекистон — бетакрор диёр. Қадим Хива мисолида бу заминнинг асрий урф-одатлари, меҳмондўст халқи ҳақида кўпдан-кўп маълумотларга эга бўлди. Немис меннонитларининг бу ерда ҳаёт кечирishi учун яратилган шароит ҳақида сўзлаб беришди. Ўша кезларда турли миллат ва динга мансуб, турфа турмуш тарзига эга инсонларнинг аҳил ҳаёт кечиргани бугунги авлодлар учун гўзал ўрнақдир, — деди Франк-Вальтер Штайнмайер.

Шу билан Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг мамлакатимизга расмий таширфи ниҳоясига етди. Ушбу таширф, унинг доирасида эришилган келишувлар мамлакатларимизнинг ўзаро ишонч ва дўстлик руҳидаги муносабатлари ҳар томонлама мустақамланиб бораётганидан далolat беради.

Улўбек ШОНАЗАРОВ, Аҳмаджон ШОКИРОВ, ЎЗА махсус мухбирлари

РОССИЯ ҲУКУМАТИ РАҲБАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Россия Федерацияси Ҳукумати раҳбари Дмитрий Медведев бошчилигидаги делегация 29 май кунни мамлакатимизга таширф буюрди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида юқори мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Россия делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Россия Федерацияси Ҳукумати раҳбари 30 май кунни Урганч шаҳрида Ҳукумат раҳбарлари даражасидаги Ўзбекистон — Россия қўшма комиссиясининг биринчи йиғилишида иштирок этади.

Йиғилиш якунида қатор ҳужжатлар имзолашни режалаштирилган.

Қўшма комиссия йиғилиши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги шакли бўлиб, унга 2018 йил октябр ойида Россия Президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга давлат таширфи ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан ўтказилган олий даражадаги музокаралар чоғида асос солинган.

ЎЗА

Жамоатчилик комиссияси

Халқ билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиш, мавжуд муаммоларни уларнинг ўзидан эшитиш ва амалий ёрдам бериш мақсадида фаолият олиб бораётган Жамоатчилик комиссиясининг Бектемир туманидаги учрашуви «Мажнунтол», «Миришкор», «Роҳат», «Зилола», «Иқбол», «Чашма», «Абай», «Бектемир», «Хусайн Бойқаро», «Бинокор», «Нурафшон», «Олтинтопан» маҳаллалари аҳли иштирокида бўлиб ўтди.

Муаммолар ечимига йўл

Мулоқот чоғида туманда истиқомат қилувчи фуқаролар кўзга ташланаётган мавжуд муаммоларни баён этишди. Жумладан, дастлаб ҳудудда таъмирташиб йўллар, тунги ёриткичлар, алмаштирилиши зарур бўлган эски симёғочлар мавжудлиги ҳамда уларнинг жорий йилда таъмирланиши кўзда тутилгани таъкидлаб ўтилди.

«Миришкор» маҳалласи фаоллари айрим кўп қаватли уйларида лифтлар таъмирташиб аҳолига эканини айтишди. Маълум бўлдики, туман ҳокимлиги бу борада тегишли дастур асосида ишларни бошлаб юборган, жорий йилда лифтларни алмаштириш масаласи ҳал этилади.

Маҳалламиздаги мактабга таълим муассасаси ёнида ўтиш учун йўлакча йўқ эди, — дейди «Миришкор» маҳалласида яшовчи Дилбар Тўлаганова. — Ишчи гуруҳига мурожаат қилганимиздан кейин иш яна ортага сурилиб, қолиб кетса керак, деган шубҳага ҳам борган эдим. Икки кун ўтгач, болалар учун йўлакча қурилганини кўриб эса жуда хурсанд бўлдим. Мурожаатимизга безътибор бўлишмагани учун миннатдорлик билдираман.

«Абай» маҳалласида яшовчи Олима Жиянова 54-автотубус йўналишини «Чашма» маҳалласига қадар узайтириш, маҳалла йўлини кенгайтириш масаласида мурожаат қилди. «Мажнунтол» маҳалласи раиси Ибодулло Жумаев ҳудудда каналлаш мавжуд эмаслиги, оқова сув тизими зарурлиги ва масалани Жамоатчилик комиссияси эътиборга олишини сўради. Бундан ташқари, маҳалла аҳли ҳудудда мактаб қурилишига ҳам эътиёж борлигини айтиб ўтишди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтожлигимиз, оилавий шароитимизни ҳисобга олган ҳолда Президентимиз томонидан бепул уй-жой берилди, — дейди «Мажнунтол» маҳалласида яшовчи Лобар Сотатова. — Бундай ғамхўрлик учун тун-у кун дуодамиз. Янги уйда ўтаётган ҳар кунимизга шукрона айтиб яшаймиш.

Шу маҳаллада яшовчи Матлуба Ортиқова ўзлари яшаб

турган ётоқxonани хусусийлаштиришда ёрдам сўради. Ҳокимлик вакиллари зиммасига бу илтимосни тез орада кўриб чиқиш ва ижобий ҳал этиш вазифаси юкланди.

«Роҳат» маҳалласида яшовчи Худоёр Камолов йўл ҳаракатида оид аҳолини ташвишлантираётган масалалар ҳақида гапирди.

Роҳат кўчасида транспорт қатнови жуда тез, — дейди у. — Бу кўчадан ўтган-қайтган пиёдалар ҳаётига хавф туғдиради. Кўчага кираришда йўл белгиси ёки радар ўрнатиш масаласини кўриб чиқиш керак. Қолаверса, «Кўйлик» деҳқон бозори ёнида йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмайдиган ҳайдовчилар сабабли пайдо бўладиган автомашиналар тирбандлиги ҳам одамларнинг вақтини оляпти. Мутасаддилар бу муаммони ҳам ҳал қилишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

«Бунёдкор» МФЙ раиси Гулнора Юсупова маҳаллада яшовчи Хайри Эргашовнинг фарзанди учун протез зарурлиги, унинг нархи 13 миллион сўм экани сабаб оиланинг моддий имконияти етмаслигини айтиб, Жамоатчилик комиссиясидан ёрдам сўради. Раиснинг илтимоси жойида ҳал қилиниб, моддий томондан қоллаб бериладиган бўлди.

Шу маҳаллада яшовчи Иван Герасимов поликлиника узоқлиги, ногиронлиги боис қатнашга қийналиши, энг яқинига бориш учун ҳам қаида иккита транспортга чиқишга тўғри келишидан шикоят қилиб, мутасаддиларга ушбу йўналишда транспорт қатнови йўлга қўйилса, аҳолига енгиллик бўлар эди, деган таклифни билдирди.

Жамоатчилик комиссияси фуқароларнинг барча мурожаатларини инобатга олиб, кўтарилган муаммолар, бажарилиши кечиккан ишлар, айрим мутасаддиларнинг бепарволиги сабаб аҳолига азият еттирилган ҳолатлар юзасидан тегишли ташкилот ва муассасаларга ваколати доирасида кечиктирмасдан амалга оширилиши мумкин бўлган ишларни белгилаб берди.

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ, «ISHONCH»

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунни

Қуёшхоннинг таширфи

Салом, болажонлар, мен сизлар билан дўст-ўртоқ бўлгани, биргаликда ўйнаб-қулгани келдим!

Тўсатдан пайдо бўлган Қуёшхон болажонларни севинтириб юборди.

— Ур-э, Қуёшхон опамиз келди.

— Биз ҳам сиз учун совға тайёрлаб қўйганмиз.

— Қани кўрайлик-чи?

Севинчдан кўзлари порлаган болажонлар тарбиячи опажонлари кўмағида тайёрлаган сахна кўринишларини намойиш этишга киришиб кетишди. Қуёшхон ҳам болалардек қийқариб, улар билан бирга ўйнаб-йиради...

Пойтахтимизнинг Учтепа тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 431-ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунни муносабати билан ўтказилган «Болажонлар

римишга энг ажойиб совға номли спорт байрами шундай бошланди.

ИСПАНЧА ТАБРИК

Муассаса ҳудуди юмшоқ ўйинчоқ ва шарлар билан чиройли тарзда яратилган.

Ўзбекистон футбол Ассоциацияси ва профессионал футбол лигаси вакиллари, Миллий терма жамоа бош мураббийи ўринбосари Карлос Фантогусси, Миллий терма жамоа ҳужумчиси Жалолддин Машарипов болажонларни байрам билан табриклашди. Коптоқлар улашиб, дастхат қўйиб беришди. Биргаликда коптоқ ҳам тепишиди. Айниқса, жажжиларни табриклаган Карлос Фантогуссининг болажонлиги, ҳар бир болани бағрига босиб, улар каби йираб, байрам дастурига ўзгача файз улашгани олқишга сазовор бўлди.

4

Жиззах вилояти

Йўлнома



Орзулар ижобати

... Ушанда ёз эди. Бир гуруҳ ёш ижодкорлар Зомин анжуманига йўл олганди. Зомин ҳақида ҳали тасаввуримиз етарли эмас. Билганимиз пурвиқор тоғлар-у, машхур ўшатиш: «Ўзбекистон Швейцарияси». Автобусда бора-боргунча шёър ўқилган, бахс

қизиган, жўшқин суҳбатлар бўлганди.

Бориб эса ҳайратда қолганмиз — тоғлар ҳайбати, буюклар суҳбатидан. Биз Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева каби забардаст сўз заргарлари билан шундоққина юзма-юз

тургандик. Ахир, уларнинг ўтли нафасларини туярдик, шеърларини ўз овозларидан эшитардик, ҳар бир сўзи ҳикматга қорилиш суҳбатларидан баҳраманд бўлардик... Ва яна осмонга шундоқ қўл узатса етарди...

3



Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясида Фридрих Эберт номидаги фонднинг Ўзбекистон ва Қозғистондаги минтақавий директори Кристоф Мор ҳамда Ўзбекистон бўйича ваколатxonаси раҳбари Наиля Резяпова билан учрашув бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, 1925 йилда ташкил топган ушбу фонд Германиянинг ижтимоий-демократик йўналишдаги энг биринчи сиёсий фондларидан биридир. У эркинлик, адолат, бирдамлик ғояларини илгари суради.

Ўзаро ҳамкорлик, дўстлик ришталарини янада мустақамлаш руҳида ўтган тадбирда юртимиз касабаси уюшмалари

нинг меҳнаткашлар манфаатларини таъминлашдаги роли, Германия касабаси уюшмаларининг жаҳон миқёсида тутган ўрни, фонднинг Марказий Осиёда олиб бораётган сиёсати ва шу каби масалалар муҳокама қилинди.

— Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси юртингиздаги энг йирик нодавлат ташкилот сифатида улкан салоҳиятга эга, — деди учрашувда Кристоф Мор. — Фондимизнинг асосий мақсади Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон касабаси уюшмалари тизими билан ақиндан му-

лоқот қилиш, унинг жаҳон мамлакатлари касабаси уюшмалари билан таъриба алмашишига кўмаклашишдан иборат. Фаолиятимиз давомида муассасангиз билан жаҳон таърибасини ўртоқлашишга, фикр алмашишга алоҳида эътибор қаратмоқчиман.

Учрашув давомида, шунингдек, меҳнат муҳофазаси, иш берувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлари, республика ҳудудларида фаолият юритаётган касабаси уюшмалари юридик клиникаларини замонавий техникалар билан жиҳозлаш каби мавзулар ҳам эътибор марказида бўлди.

Фридрих Эберт номидаги фонд вакиллари билан бўлиб ўтган мазкур учрашувда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раис ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев ва бўлим мудирлари иштирок этди.

Тадбир сўнггида томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттириш, келгусида қўшма тадбирларни ташкил этиш, шунингдек, хориждаги меҳнатга оид низоларни ҳал қилиш амалиёти билан танишишга келишиб олдилар.

Давронбек ОРИПОВ, «ISHONCH»

Учрашув

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик

Тошкент вилояти



Ишонч ХАСАНОВ асосан суратлар

Тадбир

«Энг фаол ёш ишчи касб эгаси» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Кучлилар сараланди

Унда иштирокчилар «Ғишт териш – умумқурилиш ишлари устаси», «Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси», «Ортопедик стоматология техникни», «Ошпазлик иши», «Сартарошлик ва декоратив косметика устаси», «Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш механиги», «Суғурта агенти», «Бухгалтер», «Дастгоҳли рангтасвир рассоми», «Компьютер ва компьютер жиҳозларини ишлаш ва дастурий таъминоти бўйича техник», «Электромонтаж-электромонтёр» номинациялари бўйича сараланди.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, Зангиота тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи ўқувчилари Комронбек Қўқорбоев, Шерзоджон Пўлатжонов, «Ангрен иссиқлик электр станцияси» АЖ электромонтёри Ёқуб Муҳамедов, «Ўзбекистон почтаси» Тошкент филиали ходими Санжарбек Нўмонжонов, Пискент тумани агросаноат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси Нуриддин Тўхтамуродов, Олмалиқ тиббиёт коллежи ходими Бекзод Каримбоев, Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Муҳаммадjon Исмоилов, зангиоталик сартарош Гулрух Жўраева, «Ўзғросуғурта» АЖ Тошкент вилояти филиали ходими Исломоjon Расулов, Халқ банки АТБ Оққўрғон филиали сайёр касса бухгалтер-назоратчиси Сарваржон Собиров, Чиноз туманидаги 14-БЎСМ тасвирий санъат ўқитувчиси Саида Эргашева танловнинг республика босқичига йўланма олди.

Давронбек ОРИПОВ,
«ISHONCH»

Андижон вилояти

Бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг мавқеини янада ошириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, самарали фаолият кўрсатиши учун зарур меъёрий-ҳуқуқий асос ва шарт-шароитларни яратишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этаётир.

Бу даргоҳда барча рози



сарфланди. Ишловчиларни иссиқ-овқат билан таъминлаш, зарарли шароитларда меҳнат қилувчиларга ойлик маошига қўшимча тўловлар тўлаш асосий эътиборда бўлди. Шу билан бирга, маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ходимларнинг 50 нафар фарзанди оромгоҳларда дам олдирилган бўлса, 13 нафар ишчи-ҳодимга турли санаторийларда имтиёзли даволанишга қўмақлашилди.

Касаба уюшма қўмитаси жамоа аъзоларига яхши-ю ёмон кунда ҳамнафас. Хонадонда тўй ва маросимлар ўтказилганда моддий қўллаб-қувватланади, юбилей саналари, пенсия ешига етганларга рағбатлантирувчи пул мукофоти, оилавий шароити оғир ва соғломлаштиришга муҳтожларга кўмак берилади. Ўтган йили шу мақсадларга 84 млн. 605 минг сўм моддий ёрдам ажратилгани ҳам фикримиз тасдиғидир. Турли байрам ва саналар муносиб тарзда нишонланиб, жамоада дўстона муҳит сақлаб қолинаётгани ҳам аҳамиятли жиҳатлардандир.

Ш.АЮПОВА,
Металлургия ва
машинасозлик
саноати тармоқлари
ҳодимлари касаба уюшмаси
Республика кенгаши
ташқий ишлар бўйича бош
мутахассиси

Сурхондарё вилояти

Термиз минтақавий темир йўл узели касаба уюшма ҳудудий қўмитасида фаолият таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Фаолият таҳлили: Ишлар намуналимиз?

Йиғилишда Термиз МТУ КУХҚ раиси Ғ.Даминов сўзга чиқиб, тасарруфдаги корхона, ташкилот ва муассасалар касаба уюшма ташкилотлари томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилатган чора-тадбирлар, жамоа келишув ва шартномаларининг бажарилиши, касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасида электрон ҳужжат айирбошлаш тизимини йўлга қўйиш, молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш, маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш каби масалаларга тўхталиб ўтди.

Шу билан бирга, ҳудуддаги бошланғич касаба уюшмалари фаолиятини Устав талаблари асосида тўғри ташкил этиш ва юритишда амалий ёрдам кўрсатиш, иш берувчилар билан самарали ижтимоий мулоқотни йўлга қўйиш, бошланғич ташкилотларда ижро интизомига риоя этилиши, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши Раёсатининг қарор ва фармойишлари ижросини ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлаш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бош юристконсулти Н.Асадова жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ҳамда бошқа тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш лозимлиги тўғрисида тўхталар экан, Термиз МТУ КУХҚ ва бошланғич ташкилотларида бу борадаги ишлар тўғри йўлга қўйилганини таъкидлади.

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ешлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, Ешлар бирлашмаси раиси Ж.Садиев эса ўз маърузасида ешларнинг билими ва дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб етишиш йўлидаги интилишини қўллаб-қувватлаш, еш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини чуқур сингдириш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросазлик муносабатларини шакллантириш кераклигига эътибор қаратди.

Н.НУРМАТОВА,
Темирйўлчилар ва
транспорт қурувчилари касаба
уюшмаси Республика кенгаши
ишлар бошқарувчиси

Тошкент шаҳри

«Меҳнат муҳофазаси ойлиги»

Бирламчи масала муҳокамаси

«Меҳнат муҳофазаси ойлиги» доирасида Турин политехника университетиде Олмазор туманида фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, касаба уюшма қўмитаси раислари, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари иштирокида семинар ўтказилди.

Унда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги, Турин политехника университети касаба уюшма қўмитасининг амалга ошираётган ишлари хусусида сўз борди.

– Меҳнат муҳофазаси доимо бирламчи масала бўлиб келган, – дейди Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудир Равшан Маҳмадалиев. – Турин политехника университети касаба уюшма қўмитасининг бу соҳадаги ишлари алоҳида эътиборга сазовор.

Бу каби тадбирлар нафақат ушбу соҳа эгалари, балки барчани янада хушёрликка, меҳнат хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган профилактика ишларига алоҳида эътибор қаратишга, жамоатчилик назоратини ўрнатишга хизмат қилади.

Тадбир сўнгигида иштирокчилар Турин политехника университетининг технопарк фаолияти билан танишдилар.

Ўз мухбиримиз



Наманган вилояти

23-26 май кунлари Наманган вилоятида слаломда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон кубогининг биринчи босқич мусобақаси бўлиб ўтди.

Мақсад – «Токио – 2022»!

Мусобақада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига қарашли Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спортчилари муваффақиятли қатнашди. Жумладан, махсус каноэ бўйича Алибек Темиргалиев 1-ўринни, Абубакир Буқанов 3-ўринни эгаллаган бўлса, махсус слалом каяк бўйича Шаҳобиддин Болтабоев 2-, Жа-

нибек Темиргалиев 3-ўринга сазовор бўлди.

– Эндиги ниятимиз Ўзбекистон кубогининг навбатдаги босқичларида ҳам юқори марраларни эгаллашдир, – дейди Алибек Темиргалиев. – Сабаби, ушбу ютуқлар керакли очколарни жамғарган ҳолда, «Токио – 2022»га йўланмаларни қўлга киритишга замин яратди.

Ўз мухбиримиз



Касаба уюшма спорти

Спортсевар оилалар баҳси

Қарши шаҳрида «Спорт – мустақам оиламиз пойдевори» шиори остида ташкил этилган баҳсларда 15 та оила иштирок этди. Югуриш, акробатика элементлари ва тўпни нишонга отиш, «Чаққонлик ва мерганлик», «Моҳир ҳужумчи», «Овчилар ва қўёнлар», «Қаддимизни рўстлаймиз, сакрашни боплаймиз», Тезлик эстафетаси, Элчиллик эстафетаси, арқон тортиш каби шартлар иштирокчилар-у ишқибозларга кўтаринки руҳ улашди.

Яқунда Шаҳрисабз шаҳар 13-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Яшна Рўзиев оилавий жамоаси биринчи, Шаҳрисабз туманидаги 38-умумтаълим мактаби вакили Равшан Мамаев оиласи иккинчи, Нишон туманидан Иззатулла Қодиров бошлиқ жамоа учинчи ўринни қўлга киритди.

Бундан ташқари, мусобақада «Энг чаққон оила», «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила», «Энг фаол оила» номинациялари ҳам аниқланди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғаларини Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов топширди.

Ақмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти



Кўрик-танлов

Муносиб баҳоланди

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятида ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида тизимдаги филиаллар касаба уюшма ташкилотлари фаолияти ўзига хос тарзда баҳоланди.

Жумладан, ҳужжатларнинг юритилиши, жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши, касаба уюшма аъзоларини соғломлаштириш, санаторийларга йўланмалар билан таъминлаш, уларга моддий ёрдамлар кўрсатиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига шароит яратиш ва бошқа йўналишдаги ишлар атрофида ўрганилди. Қолаверса, меҳнат муҳофазаси талаблари бажарилиши, ижтимоий ҳимоя, мурожаатлар билан ишлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, 1-ўрин «Автомобиль ва технологик транспорт бошқармаси» филиали, 2-ўрин «Ангрен кўмир кони» филиали, 3-ўрин эса «Темир йўл транспорт бошқармаси» филиали касаба уюшма ташкилотларига насиб этди.

Ш.ИСМОИЛОВ,
Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташқий ишлар бўлими бошлиғи



Орзулар ижобати

«1 Ушанда... «Зомин билан Омин сўзи қанчалар уйқаш, — деган эди Абдулла Орипов. — Бу анжуманда айтаётган яхши тилаклар, истакларга мана бу асрий арчалар, тоғ-у даралар, бутун бошли табиат, кўйинги, Яратганининг фаришталари ҳам «Омин!» деб турган бўлса ажаб эмас. Худо хоҳласа, бу ерда қилинган барча орзу-истаклар амалга ошади...»

Устозлар ҳузурдаги мушоираларда ҳадиғ-у ҳаяжонлар билан шеърлар ўқиганларимиз...

Ушанда... Устоз Сирожиiddин Саййид биз ёшларни ўз тенгқури каби кўриб, шарқироқ анҳор бўйида сўхбатлар курган эди...

Хуллас, ўшанда биз кўпгаб устозлар сўхбатига, дуоларига ноил бўлган эдик.

...Бугун Зоминда янги санаторий очилиши, унда ёзувчи-шоирлар учун ҳам шароит яратиши ҳақида хушxabарни эшитиб, ўша дамлар ёдимга тушди.

25 май тонготири. Адб-лар хиёбони. Ёқимли баҳор экинлари ва Зомин сафари хаёли дилимизга инжа туйғуларни армуғон этмоқда. Устозлар, таниқли шоир ва ёзувчилар йиғилиб турибди. Барчанинг қалбида улкан қувонч ва шукҳ.

...Ижодда ҳар бири ўз ўрнини топган, ҳаётнинг турли паст-баландини кўрган бу инсонлар ўтирган улов Жиззах шаҳрининг кўркам ва маҳобатли майдонлари олдида тўхтади. Пойтахтдан ташриф буюрганлар жиззахлик мезбонлар ҳамроҳлигида атоқли адиб, улуғ давлат арбоби Шароф Рашидов ҳамда Ҳамид Олимжон ва Зулфия хайкаллари пойига гуллар кўйишди. Айтиш ўринлики, сихатгоҳ очилиши муносабати билан бораётган меҳмонларнинг бу улуғ инсонлар хайкали пойида улов хотирасига ҳурмат бажо келтириши сафар одобига муносиб иш бўлди. Шу ерда Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидидаги ижод мактаби ўқувчилари шеърлар ўқиб беришди. Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Шароф Рашидовларнинг умр йўллари, машаққатли ҳаётларидан ҳикоя қилувчи музейлар саёҳати ҳаммада катта таассурот уйғотди.

Муҳташам ёдгорликлар пойида туриб, беҳитёр шу тупроқ берган улуғ кишилар ҳақида ўйлайди киши. Бу муборақ замин Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон, Сарвар Азимов, Назир Сафаров, Оқилжон Хусанов, Тура Сулаймон каби улуғ зотларнинг бешиги бўлган. Бу азиз кишилар бутун умрларини Ватан, миллатнинг бахт-у саодати учун бағишлаганлар.

Аслида, адабиёт чин маънода ватанпарварлик, миллатпарварликдир. Инсон қалбини пок иймон, соф эътиқод аштарлари суви билан сероб қилш фақатгинагина адабиёт аҳлларининг қўлидан келади. Шу маънода бугун адабиёт аҳлига берилган эътибор ана шу жиҳати билан ҳам муҳимдир.

«Оққан дарё оқаверади», дейди халқимиз. Жиззах бугунги

қунда ҳам катта қалбли инсонлар билан фахр этса арзийди. Мели Норматов, Эргаш Муҳаммад, Икром Искандар каби адабиёт аҳлининг ижодлари фикримизнинг далилидир.

Ижод — ҳам масъулиятли, ҳам завқли иш. Ижод йўлидаги қийинчиликларни тоғ доvonлари оша юрмоқ машаққатига ўшатадиган бўлса, унинг завқи тоғ манзарасидан олган завқимизга яхши муқоасадир. Автобус ойнасидан тоғларга маҳлиё бўлиб боқётган шоир-ёзувчилар нигоҳида ана шундай фикри уқиш, айна дамда нигоҳларидан ҳайрат-у ҳаяжонни илғаш мумкин эди. Улов манзилга яқинлашган сари бу ҳайрат ва қувонч уларнинг дилидан тилига кўчди. Юксак тоғлар бағрида узукка кўз кўйгандек бўлиб ярашиб турган

вори замонавий энергия тежамкор курилиш материали билан қопланган. Бу эса бинони қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди. 150 ўринли анжуманлар зали турли мушоиралар, тадбирлар, китобхонлик кечаларини ўтказишга арзийдиган дилтортар масканга айланган. Бинонинг орқа томонида ландшафт меъморлиги асосида 180 ўринли амфитеатр ҳам барпо этилган. Бу ерда адабий-баддий кечалар, шунингдек, бошқа тадбирларда ижодкорларнинг ёз оқшомларини файзли ва шукҳли ўтказишга барча шароит бор. Бундан ташқари, сихатгоҳда кутубхона, дам олиш хоналари, тиббий ташхис ускуналари билан жиҳозланган физиотерапия, кислород терапияси, массаж, игна терапия, электрёрүүлук муолажаси хона-

... Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 3 августда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан бўлган учрашувда Зомин ва Паркент туманларининг сўлим гўшаларида ижодкор зиёлиларимиз учун замонавий ижод уйлари курилиши режалаштирилгани хабарини берган эди. Кўп ўтмай (2018 йил 5 апрелда) бу режа Президентнинг «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан мустақкамланди.

сихатгоҳ биноси ҳар қандай кишини ҳайратлантирмасдан илжоз йўқ.

Тоғлар бағрида оппоқ марвариддек кўзга ташлангучи савлатли иморат қаршида ҳайратдан туғилган сўзларни қай тарзда ифодаламоққа чоғланамиз. Ниҳоят, буни бир оғиз сўз билан орзулар ижобати дейиш мумкин.

... Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 3 августда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан бўлган учрашувда Зомин ва Паркент туманларининг сўлим гўшаларида ижодкор зиёлиларимиз учун замонавий ижод уйлари курилиши режалаштирилгани хабарини берган эди. Кўп ўтмай (2018 йил 5 апрелда) бу режа Президентнинг «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан мустақкамланди.

Бугун эса... Унинг рўбини кўрдик.

Очилиш маросими. Ижод ақли, зоминлик нуруний ота-хонлар, дин вакиллари, Навоий кон-металлургия комбинати вакиллари иштирок этган тадбир байрамга айланди.

Навоий кон-металлургия комбинати қошидаги «Фарҳод» маданият саройи ижодий жамоасининг катта концерт дастури ва уюшма аъзолари иштирокидидаги мушоира тадбирга файз бағишлади. Тантанали очилиш маросимидан сўнг санаторий кутубхонасига китоблар тақдим этилди. Яқунда тадбир иштирокчилари учун Рамазон туҳфаси — ифторлик дастурхони ёзилди.

Энди санаторий ҳақида. Навоий кон-металлургия комбинати барпо этган санаторий 150 ўринга эга. Унда комбинат ишчи-ходимлари, ижодкорлар ва уларнинг оила аъзоларининг мароқли дам олишлари учун барча қулайликлар яратилган. Миллий ҳамда замонавий меъморчилик анъаналари ва ютуқларидан фойдаланиб бунёд этилган санаторийнинг умумий майдони 4 гектарга тенг. Бинонинг ташқи де-

лари ва ашхона мавжуд. Турли спорт майдончалари дам олувчилар хизматига шай турибди.

Зомин. У қанчадан-қанча ёш истеъдод соҳибларини кашф қилган. Зомин семинари адабий жараёнга улкан таъсир кўрсатди.

Унинг ташаббускори, ўша вақтда Жиззах вилояти раҳбари бўлиб ишлаган Шавкат Мирзиёев Зомин анжумани қатнашчиларига қисқасига дил табириги йўллаган эди: «**Еш ижодкорларнинг мустақил Ватан адабиётига Жиззах диёрида кўяётган қадамлари қулғу бўлсин!**».

Ҳа, бу қадамлар қулғу бўлди. Эндиликда «Зомин семинари» сўзи ёнида «Зомин» ижод уйи — сихатгоҳи деган жумлаларни биз ижод ақли тез-тез ишлатишга одатланамиз. «Зомин» ижод уйида ҳам янги асарлар яратилиб, бу ижодий ишлар халқимизнинг бебаҳо мулки бўлиб қолажагига ишонамиз.

Ижод чўққиси томон одимлаётган оданимашаққат қаршилаш турган гап. Эро, чўққини забт этиш мушкул вазифа. Ижодкор ҳаёти ҳақ бамисоли ана шу сўжмоқдек гап. Унинг олға ҳаракатланиши учун унга бироз эътибор, рағбат керак. «Зомин» сихатгоҳи ана шу эътибор, рағбатнинг муносиб натижасидир. Ижодкорни ўз қобилияти устида ишлагша ундайдиган омиллардан бири бу кучли рағбатдир. Эндиликда бу бинода ижодкорларимиз мазмунли бўлқ сувидек тиниқ ва фойдали асарлар битишади. Бу рағбатга муносиб бўлиш эндиликда ҳар бир шоир, ёзувчи елкасига масъулият ҳам юклайди. Зомин Яратганининг мислсиз ижоди, унинг бағрида ижодкорларимиз шу тоғлар салобатига мос асарлар битишларини ният қиламиз.

Пурвиқор тоғлар, хушман-зара табиат кўйидаги бу ижод уйи ижодкорларимизга илҳом манбаи, илҳом булоғи бўлиб хизмат қилгай!

Ғайрат МАЖИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари

«Ishonch»га жавоб берадилар



Ҳаммаси назоратда

«Ishonch» газетасининг шу йил 14 май сонидан чоп этилган «Вазирлик ислохотлари мактабларга тегишли эмас(ми?)» сарлавҳали мақолага Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт қўмитаси қўйидагича муносабат билдирди:

«Сурхондарё вилояти Кумқўрғон ва Жарқўрғон туманларининг айрим мактабларида таълим бериш учун шароитларнинг йўқлиги, баъзи фанлардан бошқа соҳа вакиллари ўқувчиларга дарс бераётган, кадрлар етишмаслиги, биноларнинг таъмирталаблги каби қатор камчиликлардан бизнинг ҳам хабаримиз бор. Бу ҳолатлар ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар бўйича Халқ таълими вазирлигига маъзур масалаларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилган. Бундан ташқари, қўмита раиси Сурхондарё вилоятининг барча туманларида бўлиб, умумтаълим мактабларидаги ҳолат билан яқиндан танишиб чиқди. Мақолада кўтарилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш таклифи жорий йилнинг март ойида Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган селектор йиғилишида ҳам билдирилган. Халқ таълими тизимидagi мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари Парламентда ўтказилаётган назорат-таҳлил жараёнларида ҳамда ҳар чорақда Халқ таълими вазирлиги ҳисоботларини эшитиш жараёнида тўлиқ назоратга олинган. Бу ишлар келгусида ҳам тизимли равишда давом этирилади».

Қўмита раиси А.Қирғизбоев

Касаба уюшмасисиз ташкилот

Меҳнат муҳофазаси ва ходимлар ҳимояси кимнинг масъулиятида?

«Ishonch» газетасида эълон қилинган «Йўқ» дейиш «санъати» ёхуд «Шум бола»нинг ёнини ким олади?» сарлавҳали мақолани ўқиб, кўнглимиздаги гаплар ёзилганига амин бўлдик. Бу масаладаги жавобсиз мурожаатлар, «раҳбарсиз ҳал этолмайман», «маъмуриятдан ҳеч ким йўқ» қабилидаги вазларга барча жойда дуч келиши мумкин.

«ЙЎҚ» ДЕЙИШ «САНЪАТИ»

ёхуд «Шум бола»нинг ёнини ким олади?

Мисол учун, Асака туманида ҳам 200-400 дан ортиқ ходимлар ишлайдиган йирик корхоналарда ҳош ишонинг, хош ишонманг касаба уюшмаси ташкилоти тузилмаган. Негаки, касаба уюшмаси ташкилоти тузиш ҳақидаги таклиф билан чиқилганда, раҳбар «ишчиларимга барча нарсани ўзим қилиб бераман» ёки «кредитларимни ёпапман» («Asakatekstil» МЧЖ), иш юритувчи ёки ёрдамчилар билан учрашганида эса, албатта, раҳбарнинг рози бўлмагани ёки узоқ сафарда экани («Forall Textil» МЧЖ) ҳақида жавоб оласиз.

Тўғри, касаба уюшмаси хизматига жалб қилиш ихтиёрий тарзда амалга оширилади. Лекин кўпинча иш берув-

чилар Меҳнат Кодекси 177-моддасининг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуна олмайдилар. Ушбу моддада иш берувчи ишловчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, уларга қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориш учун жамоа шартномасини тузиши шартлиги белгилаб қўйилган. Жамоа шартномалари корхонада, албатта, касаба уюшмаси ёки ишловчиларнинг бошқа вакиллик органи билан тузилади. Тузилган жамоа шартномалари орқали ходимларга барча зарур имтиёзлар, кафолатлар яратилади.

Ҳозир жойларда кўп-лаб хусусий корхона, ташкилотлар пайдо бўлмоқда. Уларда ишловчи ходимларга меҳнат шароити яратиб бериш иш берувчининг вазифасига киради. Бундай вазиятда касаба уюшмаси иш берувчининг жонига ора киради, яъни ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий ҳимояси таъминлишига эришилади. Шундай экан, касаба уюшма фаоллари бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини янада қучайтиришимиз, ўз вазифамизни сидқидилдан бажарган ҳолда ходимларнинг ишончли вакилига айланишимиз зарур.

С.ЖАЙТОВ,
АСМ ходимлари касаба уюшмаси Асака тумани кенгаши раиси

Эълонлар

«GOLDEN BUILD TRADING» масъулияти чекланган жамияти очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

1. 2019 йил 18 июнь куни соат 11:00 да тақрибан қилинадиган аукцион савдоларига АТ Халқ банк Бухоро филиалининг 2019 йил 24 майдаги 09-3/102-сонли буюртма хатига асосан филиал ҳисобидаги кўйидаги иншоотлар чиқарилмоқда:

1-ЛОТ. Вобкент тумани «Харғуш» ҚФЙ Харғуш қишлоғида жойлашган, умумий майдони 268,0 кв.метр, курилиш ости майдони 113,0 кв.метрдан иборат «Охунбобоев» КТС биноси. **Бошланғич баҳоси — 20 212 300 сўм.**

2-ЛОТ. Вобкент тумани «Пирмаст» ҚФЙ Анжирбоғ қўрғонида жойлашган, умумий майдони 380,0 кв.метр, курилиш ости майдони 94,0 кв.метрдан иборат «М.Жўрабоев» КТС биноси. **Бошланғич баҳоси — 16 817 000 сўм.**

Очиқ аукцион савдолари Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган мuddатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан: — «Аукцион ташкилотчиси» билан тузилладиган за-калат пули тўғрисидаги ке-

аукцион савдолари бўлиб ўтмаган ЛОТлар бўйича 2019 йил 9, 16, 23, 30 июль ҳамда 6, 13, 20, 27 август кунлари тақририй аукцион савдолари ташкил қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртма-номалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган мuddатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан: — «Аукцион ташкилотчиси» билан тузилладиган за-калат пули тўғрисидаги ке-

лишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридидаги за-калат пуллари тўлашлари; — жисмоний шахслардан паспорт нуқсаси; — юридик шахслардан давлат рўйхатидаги ўтганлиги тўғрисидаги гу-воҳнома, устави нуқсаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун та-сдиқланган ишончнома тақ-дим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун ре-квизитлар: «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти, СТИР: 302118823, МФО: 00111, АТБ «Турон банк»нинг Бухоро вилояти филиали, ҳ/р: 20208000704953182001.

Буюртма номаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кў-часи, 28-уй (2-қават). Тел.: (+998 90) 298-92-61. E-mail: mauzatak@mail.ru.

«Аукцион ташкилот-чиси» — «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти.

Лицензия № RR-0117

Ҳикмат

Шеър ё юксак чўққиларда ёки горларда яратилади. Гелвеций

2006 йилда Тошкент шаҳар Миробод Транспорт касб-хунара коллежи томонидан Гринфельд Юрий Борисович номида «Автотранспортни ишла-тиш ва таъмирлаш» йўналиши бўйича берилган №535746 рақамли диплом (рўйхат рақами - 208) йўқолини са-бабли бекор қилинади.	Тошкент вилояти Ян-гийўл шаҳрида рўйхатдан ўтказилган «YANGIYOL-STROY-INVEST» МЧЖ-нинг Устав жамгар-маси 100 000 000 сўмдан 3 000 000 сўмгача кама-йишини маълум қилади.	Тошкент вилояти Ян-гийўл шаҳрида рўйхат-дан ўтказилган «ASL SIFAT-BIZNES» МЧЖ Устав жамгармаси 288 319 000 сўмдан 208 319 000 сўмгача камайишини маълум қилади.	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани ТСРУИ томонидан 25.05.2016 йилда (реестр рақами №4923) рўйхатга олинган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, А.Ортиқов МФЙ, Оқ том кўчасида жойлашган «BEKZOD BEKRUZ BARAKA» МЧЖ (СТИР: 303058479, КТУТ: 25283312) бирламчи мо-лиявий, таъсис ҳужжатлар, муҳр ва штамп йўқо-лигини маълум қилади.
--	--	---	--

Кўёшхоннинг ташрифи

МУАССАСА ҲАҚИДА
Жамиятнинг ажралмас бўлаги бўлган алоҳида ёрдамга муҳтож, психик нуқсонли (руҳий ривожланиши сустлашган ва ақлий ривожланишида орқада қолган) болаларга нисбатан ғамхўрлик қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, таълим-тарбия жараёнини эҳтиёж ва қобилиятига мос равишда ташкил этиш, келгусида жамият ва ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш ўта долзарб вазифалардан биридир.

Бундай болаларга эътибор қаратиш, уларга тиббий-психологик, маънавий кўмак бериш, жамиятга мослашишини таъминлаш,

қизиқиш ва лаёқати бўйича билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши ҳаммиша давлатимиз эътиборида бўлиб келган. Ушбу муассаса ана шундай тоифадаги 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 64 нафар болага таълим-тарбия бериш, уларни соғломлаштириш билан шуғулланади ва ташхисларига қараб мактабларга йўналтиради.

100 ўринга эга, 8 та гуруҳда ўзбек ва рус тилларида таълим бериладиган масканда таълим-тарбиявий, тиббий-консултиватив, психологик-педагогик, жисмоний нуқсонларни бартараф этиш, болаларни имкон борича ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ишлари йўлга қўйилган.

уларнинг ота-оналари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича қатор ишлар йўлга қўйилган.

Тоза ҳавода сайр қилиш, югуриш, бадантарбия машқлари, жамоавий иммунитетни шакллантириш, жисмоний машқлар билан банд бўлиш ва албатта, тўғри овқатланишга алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, бу омиллар суяк, мушак, юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлаб, нафас олиш ритминини ривожлантиради ва натижада боланинг фикрлаш, диққатни жамлаш, онг, нутқ ва тафаккури ривожланишида ижобий ўзгаришлар кузатилади.

олиб бориладиган коррекцион таълим натижасида соғлиги борасида ҳам шунча ижобий натижа бўй кўрсатади. Уларнинг соғлом болалар билан эркин муносабатга киришиши, юзидаги табассум, ота-онаси кўзидаги умид ва эртанги кунга бўлган ишонччи кўриш қанчалар қувончли.

Аҳил жамоамиз бир ёқадан бош чиқариб, кўплаб болалардаги руҳий ва ақлий камчиликларни даволаб, уларнинг имкон қадар тўлақонли, жисмоний, маънавий, руҳий соғлом ва баркамол бўлиб шаклланишига ҳисса қўшмоқда.



Ҳикмат

Болалар ҳаммани яхши кўради, айниқса, унга эътибор ва меҳр кўрсатганларни.
Лев Толстой

5 ТАШАБУС АСОСИДА
Муассасада Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 ташаббус бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам эътирофга лойиқ. Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, жисмоний фаолликни тарғиб этувчи эстафета ўйинлари, ходимлар, тарбияланувчилар ва

БИРЛАШГАН ЎЗАР
Таълим-тарбия бериш қанчалек эрта бошланса, унинг самараси шунчалик тез намоён бўлади ва бу боланинг бутун ҳаёт тарзига ижобий таъсир қилади. – дейди муассаса мудири, халқ таълими аълочиси Дилноза Мусаева. – Руҳий ва ақлий ривожланишида нуқсонли бўлганлар муассасамизга қанчалик эрта олиб келинса, 4 йил давомида

ЯХШИЛИК ЭЛЧИСИ
...Кўёшхоннинг қўлидан тутиб, завқ-шавққа тўлиб ўйин-кулги қилаётган болажонлар орасидан бир қизалоқ ажралиб чиқиб, тарбиячи опаси ёнига югуриб келди ва:
– Кўёшхонга раҳмат айтайлик, – деди ҳаяжон билан.
– Кўёшхон – яхшилик элчиси. У бор экан, ҳар бир кунимиз мана шундай шуқуҳли, нури, файзли, болажоним. Унга, албатта, раҳмат айтаемиз!

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«ISHONCH»
Мўаллиф олган суратлар

Мен англаган ҳикмат

Ҳадислар ва хулосалар

Чақирилган жойга боринг! – кейинги пайтларда тўйларга чақирилганлар билан бир қаторда умуман чақирилмаганлар ҳам келаётган бўлиб қолди.

Эй Парвардигор! Мен сендан оғир қарздорликдан, душманга мағлуб бўлишдан ва ганимлар қўлидан деб одамлардан миллионлаб қарз олган, уларни вақтида қайтара олмайд, бу не ҳолки, ҳаттоки, масжид имомларидан ёрдам сўраётганлар ҳақида эшитилмиш. Бундай ҳиксалар манманлик деган душманга таслим бўлиб, ганимларнинг қулусига қолганлар, махалла-кўйнинг норозилигига дучор бўлганлар.

Аллоҳ Таоло молдунёни исроф қилишига рози бўлмайди: масалан, ярим яланғоч раққосларни тўйда ўйнатиш учун сарфланган маблағ.

Одамларни қулдириш учун ҳар хил беъмани гапларни гапирган киши Аллоҳ Таолодан узоқлашди: тўйда келганларни қулдиранган, деб маза-матрасиз нарсалар ҳақида гапирган думбул «қизиқчилар» бу ҳадисни ёд олишса яхши бўларди.

Аллоҳ Таоло сенга берган неъматларини ўзинга ҳам сарфлагин: йиққан пулнинг нафақат тўйга, балки оила аъзоларининг соғ-саломат юришларига, фарзандларини ва набираларининг билим олишига, уйинда бир кутубхона очишга ҳам сарфлагин.

Никоҳ тўйида бир кун зиёфат бериши суннатдир. Икки кунлиги фазлдор, лекин учинчи кунга ўтса, рижорлик ва ҳўжақўрсиндир: никоҳ тўйлари бошлангунча ва бошлангандан кейинги зиёфатлар сонини санамоқчи бўлдим. Ўн бештага етганда адашиб кетдим ва аллақачонлар рижорлик касалига чалинганимизга амин бўлдим.

Ёнглр, ичинглр, садақа қилнглр, аммо исрофгарчиликлр ва фахрга ўтманглр. Кимки ҳаётда тежамкор бўлса, зинҳор қашшоқликка тушмайди: нафақат тўйда, балки оза маросимларида ҳам тежамкорликка амал қилиб, исрофгарчилик ва қарздорликка чек қўйиш вақти келди.

Мўхаммад ТОШБОЛТАЕВ,
профессор

Реклама ҳуқуқи асосида



сидан доимий фойдаланувчилар сони ортиб бормоқда.

«Xalq mobile» мобиль иловаси IOS ва Android операция тизимлари учун ишлаб чиқилган. Ушбу илова фойдаланувчига мамлакатимизнинг барча тижорат банклари томонидан эмиссия қилинган Uzcard миллий валютадаги карталарни, UzCARD, UnionPay, Кобейдж карталарни

картага пул ўтказиш; янги карта очишга буюртма бериш ҳамда харажат ва тушумларни кўриш мумкин. Бундан ташқари, Халқ банкида сақланаётган онлайн турдаги омонат ва жамғармалар тўғрисидаги маълумотларни кўриш ҳамда ҳисобланган устама ҳақ миқдорларини назорат қилиб бориш ва янги омонат очиш имконияти мавжуд.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 1 май ҳолатида «Xalq mobile» иловаси ёрдамида коммунал тўловлар бўйича қарийб 700 млрд. сўм, конверсия операциялари бўйича 70 трлн. сўмдан ортиқ, картадан картага пул ўтказиш бўйича 1,2 трлн. сўм, кредит сўндириш бўйича 1,3 трлн. сўмлик амалиётлар бажарилган.

ЭЛЕКТРОН ҲАМЁН АФЗАЛЛИКЛАРИ
Банк Пенсия Овердрафт, Uzcard ва UnionPay халқаро тўлов тизимида ишлайдиган Кобейжинг карта маҳсулотларини амалиётга жорий қилди.

Овердрафт «Пенсия карта»си
Пенсия олувчи жисмоний шахс хоҳишига кўра, 5 йил муддатга бепул очилади. Унга пенсия маблағлари молиялашунга қадар банк 12 ой муддатга пенсия маблағининг 50 фоизи миқдорда овердрафт кредити ажратади.

Ушбу ҳамёндан барча турдаги тўловларни амалга ошириш, нақд пул маблағларини ечиш мумкин. Энг муҳими, Халқ банки кассалари ва банкоматларида мутлақо фойзсиз.

Кобейжинг картаси
Унинг эгаси чет элга чиқиши учун алоҳида халқаро тўлов картаси очиши ва конверсия амалиётини бажаришга зарурат қолмайди.

Халқ банкининг Кобейжинг карталари

ВАҚТ ТАНЛАМАС ХИЗМАТЛАР
Халқ банкида мижозларга ҳисобрақам очиш, «Корпоратив мобиль банкинг» ҳамда «Интернет банкинг» хизматларидан фойдаланиш мутлақо бепул амалга



Халқ банки:

ФАОЛИЯТГА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ САМАРАЛАРИ

Хизматлар сифатини юксалтириб, аҳоли ишончини оширмоқда

Юртимиздаги энг йирик ва универсал молия муассасаларидан ҳисобланадиган Халқ банки аҳолига барча турдаги банк хизматларини тақдим этиб келмоқда. Айниқса, кейинги вақтда банк томонидан замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда амалиётга жорий этилаётган янги хизмат турлари юртимиз банк бозорига катта қизиқиш билан кўтиб олинмоқда. Ҳўш, улар нималардан иборат? Қандай афзалликлари бор?

ҳамда Халқ банкдан олинган Visa Конверсия карталарини бошқариш имкониятини беради. Мобиль илова орқали 100 дан ортиқ тўловларни амалга ошириш, конверсия амалиётларини бажариш, картадан

оширилмоқда. Мижозлар учун 24/7 режимда ишлар ташкил этилган. Яъни Халқ банки мижозлари ҳафтасига етти кун исталган пайти ҳисобрақамдаги маблағларни филиал рухсатсиз бошқа Халқ банки мижози рақамига эркин тасарруф этиши мумкин.

«Корпоратив Мобиль банкинг». Ўз-ўзига замонавий ва қулай хизмат кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу дастур смартфонларнинг Android ва iOS операция тизимларида ишлайди.

Мазкур хизмат орқали мижоз ўз ҳисобварағи бўйича амалларни банкка бормасдан, дунёнинг исталган жойидан туриб, исталган вақтда интернет орқали бажариши, яъни ҳисобварағидаги маблағларни ўтказиш, уларнинг ҳолати, маблағнинг келиб тушиши, тўловларнинг акс этишига доир маълумотларни олиши мумкин. Бу унинг вақтини тежаси, маънавий узоқ-қинилигига қарамаддан, маблағини тезкор бошқариши учун афзалликлар яратмоқда.

Ушбу мобиль дастурлар Google Play ва AppStore иловалар дўконига жойлаштирилган.

Мўхлиса АЛИМОВА

сақловчиси учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий валютада, 170 дан ортиқ давлатларда ушбу давлат валюта-сида нақд пул ечиш ва тўловларни амалга ошириш имкони мавжуд.

Мазкур карта мижознинг хоҳишига кўра, иш ҳақи лойиҳаси ва бошқа мақсадларда очилиши мумкин.

Кобейжинг карта орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет элда амалга оширилган тўловлардан хизмат ундирилмайди.

Бундан ташқари, молия муассасаси жисмоний шахсларга масофадан кўрсатилаётган хизматларни ривожлантириш мақсадида банкининг мобиль иловасига доимий равишда янги хизмат турлари («Мобиль қарз», «Автотўлов», «QR код орқали тўлов», «Жойларда тўлов», «Карта очишга онлайн ариза», «Менинг тўловларим») хизмат турларини қўшиб бормоқда.

ТАРАҚҚИЁТ ШИДДАТИГА МОС
Халқ банкининг яқинда ишга туширилган **Тезкор хизматлар маркази** фаолияти билан танишиш асосида бунга амин бўлидик.

Мазкур марказда юртимиз молия бозори талабидан келиб чиқиб замонавий банк хизмат турлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Тажрибали ходимлар молия бозори талабидан келиб чиқиб, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда янги банк хизмат турларини ишлаб чиқиди.

Сирасини айтганда, тараққиёт шиддати мос ҳаракат ва фаолиятга креатив ёндашувлар ўз самарасини бермоқда.

банк томонидан 30 мингдан ортиқ мижозга масофадан туриб, турли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

ХАЛҚОНА ИЛОВАЛАР
Халқ банки томонидан амалиётга жорий этилган «Xalq Mobile» мобиль илова



ДУНЁНИНГ ИСТАЛГАН БУРЧАГИДАН

«Интернет банкинг». Ушбу хизмат тури орқали мижозлар (юридик шахслр) ўз ҳисобрақамларини дунёнинг исталган нуқтасидан бошқаришлари мумкин. Ҳисобрақамдан маблағларни исталган банкининг ҳар қандай бошқа рақамига ўтказиш, ўз ҳисобрақамингиздаги ҳаракатлар ҳақида маълумот олиш каби 5 турдаги амалиётдан фойдалана олади.

Мижозлар (юридик шахслр) ўз ҳисобрақамларини мобиль алоқа воситаларига ўрнатилган махсус дастурий таъминот орқали дунёнинг исталган нуқтасидан бошқариш имконини берувчи яна бир хизмат — «Корпоратив Мобиль банкинг»дир.

Ушбу тизим ёрдамида маблағни ўз ҳисобрақамидан исталган банкининг ҳар қандай бошқа рақамига ўтказса, ўз ҳисобрақамдаги қолдиқларни кузатса бўлади.

Энг муҳими, ушбу тизимлар фойдаланувчилари ҳисобрақамларидан пул ўтказиш жараёнида филиал бош бухгалтери иштирокисиз ҳамда филиал вакиллик ҳисобрақамдаги маблағлар бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар амалга оширишлари мумкин.

Маълумот: ҳозирги вақтда Халқ

МУАССИС:
O'zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-3039

Бощ мўхаррир
Ҳўсан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мўхбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бўхоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. **Корхона манзили:** Бўжқ Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳўдулардаги мўхбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бўхоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

Навбатчи мўхаррир:
Т. Шернаев

Мўсаҳҳил:
С. Шодиева

Саҳифаловчи:
Х. Абдужалилов

ЎЗА яқуни – 02-50
Топшириди – 03-10

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г – 517.
30112 нўсхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

Мўаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

©Ishonchдан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

1 2 3 4 6